Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 27 февраль 1969 йил, пайшанба ★ № 49 (14.212). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи коллективи резервларни ишга солиб, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун курашмоқда. Суратда: корхонанинг пешқадам пўлат эритувчиси А. Аликберов. У 28 йилдан буён баракали меҳнат қилиб келмоқда. Шу кеча-кундузда смена топшириқларини 150 процент бажаряпти.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Суратда: Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг дизель цехи металл йўнувчиси Ёқуб Мурадов. Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган мусобақада фаол қатнашаётган бу ишчи смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этишга эришмоқда.

И. Глауберзон фотолари

ХАЛҚ ФИКРИНИНГ ИФОДАСИ

Газета совет халқи маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб қолди. Коллектив тарғиботчи ва коллектив ташкилотчи сифатида халқ минбарига айланди. Совет кишилари бу юксак минбар орқали ўзларининг Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига бўлган чексиз ишонч ва садоқатларини намойиш қилмоқдалар.

Партия-халқ-газета орасидаги ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим омил хатдир. Меҳнаткашлар редакцияларга йўллаётган хатларда давлат, халқ манфаати олга сурилади, сиёсий, иқтисодий, хўжалик аҳамиятига эга бўлган масалалар кўтарилади. КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошира борибмиз, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш соҳасида эришилаётган улкан ғалабалар ҳиссиёт қилинади. Совет халқи турмуш маданиятининг юксалиши ёрқин мисоллар билан кўрсатилади. Тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган камчиликлар рўй-рост танқид қилинади.

Редакцияларга йўлланаётган хатларнинг кўпайиши меҳнаткашлар оммаси, қалам соҳиблари онгининг ўсганлиги, ўз севимли газетасига бўлган эътиқодининг кучайганлигидан нишонадир. Бу яна газета маънавий базасининг мустаҳкамланиши, мазмунининг бойиши, чиройининг очилиши, тиражининг кўпайиши демакдир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни уюштириш ишларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида хат партия билан халқ ўртасидаги мустаҳкам алоқанинг кучли воситаси деб баҳоланди.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси 1968 йилда меҳнаткашлардан 25 минг хат олди. Хатлар ўтган йиллардагидан қариб 20 процент кўпайди. Хатлардан 6 мингдан кўпроғи саҳифалар юзини кўрди. 5 минг хатдан обзор тарқасида фойдаланилди. Газета атрофига 3 мингдан зиёд қалам соҳиблари ўюшган, уларнинг сафи тобора кенгайяпти.

— Республикамиз пахтакорлари ўтган йили она-Ватан хазинасига 4 миллион тоннадан зиёд дурдона тўкиши қалбимизни қувончларга тўлдириб юборди, — деб ёзади редакцияга йўллаган хатида Янгиариқ районидаги «Москва» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов, — лекин бу чегара эмас. Ҳамма колхоз ва совхозлар мажбуриятлари ва планларини бажарсалар, бундан ҳам юксак чўққиларни эгаллашимиз мумкин ва керак. Биз ўтган йили гектаридан 42 центнердан пахта ҳосили олдик. Бу йил 45 центнерлик маррани кўзлаяпмиз.

Хат муаллифлари олимлар, инженерлар, ишчилар, колхозчилар, ўқитувчилар, врачлар, санъаткорлар, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар, кўп болали оналардир. Уларнинг касб-корн ҳар хил. Мақсади эса битта — тезроқ коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдир. Хатларнинг ғояси, мазмуни шунга қаратилади. Бу меҳнаткашлар оммасининг ташаббускорлиги ва ижодий активлиги ҳар қачонгидан ҳам ўсганлигини кўрсатади.

Газета — халқ маслаҳатгўйи. Шу сабабли кишилар дилида бор гапни — қувончларини ҳам, қайғуларини ҳам яширмай айтадилар. Хатларнинг бирида қўлга киритилган ғалабаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш қақида гап борса, иккинчисида хўжаликни бошқаришдаги нуқсонлар очиб ташланади, айрим ташкилотлар, раҳбарларнинг иш услубидаги камчиликлар, сансалорликлар ҳақида фикр юритилади. Хатларда кўтарилган масалалар ленинча принципиаллик билан таҳлил қилинади, янгилик, ташаббуснинг туғилиш сирлари, камчиликни келтириб чиқарган сабаблар ўрганилади.

Редакция ўтган йили меҳнаткашлардан 1054 ариза ва шикоят хати олди. Уларнинг ҳаммаси юқори партия органлари белгилаган муддатларда ижобий ҳал этилди. Шикоятларда айрим партия, совет ташкилотлари, министрликлар, турли ташкилотлар адресига ҳақли эътирозлар билдирилмоқда. Меҳнаткашларни барча қулайликларга эга бўлган уйлар, квартиралар билан таъминлаш соҳасида катта ишлар қилинган бўлса-да, эҳтиёж тўла қондирилгани йўқ. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Шаҳар ва қишлоқларни газлаштириш соҳасида жиддий камчиликлар бор. Ўзбекистон ССР қурилиш ташкилотлари, республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Коммунал хўжалик министрлиги, «Ташпромноммунгаз» идораси ва уларнинг жойлардаги органлари раҳбарлари қаттиқ танқид қилиняпти. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги адресига айниқса жиддий фикрлар айтиляпти.

Меҳнаткашлар ариза ва шикоятларининг бир қисми келтирилган фактларни текшириб, тегишли чора кўриш учун маҳаллий партия, совет, касаба союз ва жамоат ташкилотларига юборилади. Уларнинг кўпчилигидан тезкорлик билан аниқ жавоб олинади, шикоятчилар текшириш якунидан хабардор қилинади. Аммо редакцияга расмият учун жавоб юборилган, шикоятнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганмай юзани иш тутаётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Термиз район ижроия комитети, «Узбекбирлашув» ва бошқа баъзи ташкилотлардан шикоятларга олинган жавоблар расмий характердадир.

Ҳар бир хат заминида ўнлаб, юзлаб, минглаб кишиларнинг фикри, манфаати ётади. Шундай бўлгач, аризалар, шикоятларни қараб чиқиш, тадбирлар белгилашда ташкилот бошлиқлари шахсан иштирок этишлари керак. Барча ташкилотларда қабулхоналарнинг ишини яхшилаш, шикоятчиларни белгиланган вақтдан кечикмай қабул қилиш керак. Меҳнаткашларнинг хатлари, ариза ва шикоятлари билан ишлашнинг аҳволи партия бюролари, коммунистлар йиғилишлари, касаба союз ва жамоат ташкилотлари мажлисларида муҳокама қилиб борилиши, белгиланган тадбирлардан авторлар хабардор қилиниши зарур. Хатлар билан ишлашда бепарволик, масъулиятсизлик қилган кишиларга қаттиқ чора кўрилиши керак.

Республикамизда нашр этилаётган барча область, шаҳар ва район газеталари меҳнаткашлардан келаётган хатларга эътибор билан қулоқ солишлари, уларнинг таклиф, мулоҳазалари, танқидий фикрларини синчиклаб ўрганиб чиқиб ижобатга олишлари, кўтарилган масалаларни ўз вақтида ҳал этишда принципиаллик кўрсатишлари лозим. Меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлаш барча партия матбуот органлари, радио ва телевидение ходимларининг жонажон ишига айланиши зарур.

Халқ овози — қақиқат овози, унга доим қулоқ солайлик.

ТАҲСИНГА САЗОВОР БИНОКОРЛАР

Шаҳрисабз районидаги қишлоқларда бўлсангиз, бинокорлар номига айтилаётган ташаккур сўзларини эшитасиз. Ҳақиқатан ҳам район колхозлараро қурилиш бошқармасининг сергайрат бинокорлари ўтган йили 3273 квадрат метр уй-жой, 100 ўринли учта чойхона, 5 та дала шийпони, 4 та маиший комбинат, 1480 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 650 ўринли кинотеатр, 50 ўринли болалар боғчаси биноларини қуриб фойдаланишга топширдилар. Қариб 15 колхозда қурилиш ишлари олиб бораётган 41 комплекс бригада бинокорлари беш йиллик тўртинчи йилининг иккинчи ойи қурилиш планини муддатидан илгари тугалладилар. Ленин орденли Х. Қаюмов, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Р. Худойбердиев, У. Носиров, Б. Намозов каби меҳнатсевар бунёдкорлар кунлик топшириқларни муттасил 140-150 процент адо этиб, кўпчилик таҳсинига сазовор бўлишаётирлар.

С. ПУЛАТОВ.

МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Наманган тўқилмайдиган материаллар фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари беш йиллик тўртинчи йили планини муддатидан олдин бажариш, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлаш иштиёқида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Коллектив шу йилнинг январидан бошлаб сунъий чарм тайёрлашнинг янгича технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бу ишга барака кириди. Шу кунгача корхонада 10 минг погон метрга яқин сунъий чарм ишлаб чиқарилди. Мўминжон Исмоилов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи мўлкўл маҳсулот ишлаб чиқариб, бригадаларо социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаётир. Бригада аҳли ҳозир март ойи ҳисобига иш бажаряпти. Ҳайриҳон Жўраева, Ёқубжон Салоҳиддинов, Исмоил Азимбоев каби илғор ишчилар эса 1970 йилнинг август ойи ҳисобига ишлаётир.

Т. СУЛАЙМОНОВ, Б. АКБАРОВ.

ҚИШЛОҚ БУНЁДКОРЛАРИ

Яккабоғ районининг колхозлараро қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб замонавий қишлоқлар бунёд этаётирлар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чоршанби Отабоев, «Ҳурмат белгиси» орденли Жуман Қурбонов ва Назрулла Ҳидиров бошлиқ бригадаларнинг сергайрат бинокорлари февраль ойи қурилиш планини муддатидан илгари бажариб, март ойи ҳисобига иш бажаряптилар. Улар қишлоқлардаги 50 дан ортиқ қурилиш объектида фидокорона меҳнат қилиняпти. Меҳнаткашлар учун бежирим ва кўркам уй-жой бинолари тиклашяпти. Т. Донийёров, Х. Бекназаров, Т. Бобоқулов каби бинокорлар ойлик пландарни 130-140 процент адо этишяпти.

Э. ҲАСАНОВ.

ТЕХНИКА РЕМОНТИ СУСТ

Ўтган йилги яхши якунлаган, ҳар гектар майдондан 37 центнердан «оқ олтин»и хирмони кўтарган хоразмликлар бу йил янги юксак марраларни эгаллашга бел боғладилар. Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида бу йил 360 минг тонна пахта, 23.800 тонна шоли, 50 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, беда ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш, 3400 гектар қўриқ ерни ўзлаштириш, 9150 гектар майдоннинг мелиорация ҳолатини яхшилаш вазифаси турибди.

Бу улкан режаларни амалга оширишда деҳқоннинг таянчи ва қаноти бўлган механизация ҳал қилувчи роль ўйнайди. Техника кишиларнинг меҳнатини енгиллаштириш билан бирга, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга ёрдам беради.

Техниқанинг тўхтовсиз ва юқори унумли ишлаши асосан икки омилга — механизаторларнинг маҳоратига ҳамда ҳар бир механизмнинг барвақт сифатли тахт этилишига боғлиқ. Хўш. Хоразмда техника ремонти қандай бораяпти? Дангал айтиш мумкинки, мутлақо қониқарсиз.

Кўклам кириб келяпти, дала ишлари қизиб кетишига саноқли кунлар қолди. Лекин чопиқ ва ҳайдов тракторлари, тирков асбоблари ҳамда бошқа механизмларнинг кўп қисми ремонтсиз турибди. «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ва бўлимлари устахоналарида планга кўра 456 ҳайдов трактори ремонт қилиниши керак, планга қўшимча равишда яна 61 трактор ремонтга тортилди. Ана шу 517 ҳайдов тракторидан 21 февралгача фақат 177 таси, 749 чопиқ тракторидан 364 таси ремонт қилинди, холос. Тирков асбобларини тахт этиш ҳам кечикяпти. 480 сеялкадан 61 таси, 137 плугдан атиги 18 таси ремонтдан чиқарилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмалари ва бўлимлари устахоналарида ремонтни ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Поток-узел методи номигагина бор. аслда иш тарқоқ, тартибсиз давом этяпти. Ремонтчилар ўртасида интизом бўш. иш қунининг қадрига етилмаётир. баъзан эса запас қисмлар етишмайди. Кишларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратилмаган.

«Узсельхозтехника»нинг Қўшкўпир район бирлашмаси устахонасида ремонт ўз қолига ташлаб қўйилган. Устахона эски, унда нормал ишлаш учун шароит йўқ. Совуқ вақтларда ишчилар ремонтга кўл уришмайди. Механизмни ҳар ким ўзича тарқоқ ҳолда ремонт қилади, прогрессив методга амал қилинмайди. Натижада 70 та ҳайдов тракторидан бори-йўғи 6 таси ремонтдан чиқарилган. 11 плуг, 18 сеялка, 7 насос ва бошқа асоблар ремонти ҳам ўлдаҳ ўлда. Бирлашма бошқарувчиси Азим Иноятов, бош инженер Ли Станислав, устахона мудири Д. Зебров ўртоқлар ремонтни тезлатиш учун амалий тадбирлар кўрмаётирлар. ваъдабозликдан нарига ўтмаётирлар.

Ҳазорасп районидаги кўпчилик колхозларга «Узсельхозтехника»нинг Боғот бўлими хизмат қилади. Бу ерда 101 трактордан этиги 28 таси ремонт қилинган, тирков асбобларига кўл урилмаган. Киров номли, Жданов номли колхозлардан механизмлар устахонага тўла келтирилмаётир. Колхозлардан ремонтга жалб қилинган 70 киши ётоқхона бўлмаганн учун қатнаб ишлаяпти. Ремонтчилар ишга кеч келиб, эрта кетишяпти. Натижада сурьат юришмайди. Бўлим бошқарувчиси А. И. Тегай «ҳали вақт эрта» деган қайфият билан бамайлихотир юрибди.

«Узсельхозтехника»нинг Гурлан районига қарашли Янгибозор бўлимида 110 чопиқ ва ҳайдов тракторидан эндигина 30 таси ремонт қилинган. Бўлим бошқарувчиси Б. Жумамуродов эса ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатиш ўрнига қолоқликка важ-карсон кўрсатиш билан овора.

Тракторларга ва тирков асбобларига запас қисмлар етишмаётганлиги ремонтни тезлатишга халақит бермоқда. Аккумулятор, тезлик коробкаси, ғозпанжа (гусеница), электр ускуналари ва кўпгина эҳтиёт қисмларга талаб катта. Масалан, «Узсельхозатехника» Боғот бўлимида 15 тракторнинг ремонти аккумулятор йўқлигидан нихоясига етмасдан турибди. «Узсельхозтехника»нинг республика бирлашмасига заявкалар берилган. Бирлашмаларнинг савдо бош бошқармаси бошлиғи А. В. Коломейцев область эҳтиёжини қондиришга бефарқ қарамоқда. «Узсельхозтехника» области бирлашмаси раиси В. Ф. Пак ремонтга оператив раҳбарлик қилиш ўрнига қоғозбозликни авж олдирган.

Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик бошқармалари техника ремонти учун фақат «Узсельхозтехника» бирлашмалари жавобгар деб ҳисоблаб, ремонтни барвақт ва сифатли ўтказишга конкрет ёрдам бермаётирлар. Бу ҳол ремонтнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири,

С. НОДИРМАТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости аъзоси.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

26 февралда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залида мукофотлар топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси А. Я. Пельшега Ленин ордени билан «Ўроқ ва болға» олтин медали топширилди. Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига яллик йил тўлганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин Ленин ордени олди.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик билдирдилар ва ўзларининг бутун кучларини ватан равнақи йўлида сарфлашларини айтдилар.

Мукофотларни СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний топширди. У мукофотланганларга саҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотларни топшириш вақтида Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, М. А. Суслов ўртоқлар қозир бўлдилар. Улар ҳам А. Я. Пельше ва А. Н. Шелепин ўртоқларни юқсак мукофотлар билан муборакбод қилдилар, уларга узоқ умр, меҳнатда муваффақиятлар тилаб, (ТАСС).

16 МАРТ — Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларга САЙЛОВЛАР КУНИ

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистоннинг сайлов округларида маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан учрашувлар бошланди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг техника уйида Совет округининг сайловчилари Тошкент область Совети депутатлигига номзод — Олмалиқ мебель фабрикасининг ишчиси Салима Байзановна Турдиқулова билан учрашдилар.

Ишончли вакил — фабрика обой цехининг бригадири В. Н. Новикова ва сўзга чиққан бошқа кишилар С. Б. Турдиқулова ишчилар синфининг муносиб вакили эканлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. У коммунистик меҳнат зарбдори сифатида В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига ошириллган мажбуриятларни олиб, ана шу мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқда. Салима Байзановна — беш фарзанднинг онаси. Унинг бўш вақти кам бўлса ҳам, жамоат ишида актив қатнашмоқда. ёшларни тарбиялаш учун анча иш қилди.

Депутатликка номзод учрашувда ҳозир бўлган кишиларга самимий миннатдорчилик изҳор қилиб, халққа хизмат қилиш учун бутун кучимни бағишлайман, деб ишонтирди.

Деновда «8 Март» колхози клубига минг-минглаб сайловчилар Сурхондарё область Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Нормурод Аҳмедов билан учрашганн тўпландилар.

Ўша оқшомда клуб саҳнасидан туриб кўпгина гаплар айтилди, сўзга чиққан кишилар Нормурод Аҳмедов колхозда энг ҳурматли кишилардан бири эканлиги, йигирма уч йилдан буён юқори ҳосилли пахтачилик бригадасига бошчилик қилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари бу йил В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига гектаридан 55 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғладилар. Коммунист Аҳмедов ўз фарзандларини ҳам меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялади. Унинг катта ўғиллари ҳам ана шу бригадада ишлашмоқда. Неъмат тракторчи бўлиб. Усмон шофер бўлиб ишлаяпти. Колхознинг энг яхши меҳнаткашлари каторида уларнинг ҳам номини тилга олишади.

Учрашувларнинг қатнашчилари депутатликка номзодларга кўпгина наказлар беришди. (ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

ЧОРВА МОЛЛАРНИ ҚИШДАН СОҒЛОМ ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН БУТУН КУЧИМИЗНИ "САФАРБАР" ЭТАЙЛИК, ОТАРЛАРГА ЕМ-ҲАШАКНИ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИБ, БИРОР БОШ МОЛНИНГ ҲАМ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚУЙМАЙЛИК. ЧУПОН-ЧУЛИҚЛАРГА ЯХШИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — ПАРТИЯ, СОВЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖОНАЖОН ИШИ.

ҚИШ ЧЎЗИЛИБ КЕТЯПТИ. ҲАЛИ КЎП МАЙДОН ШУДГОР ҚИЛИНГАНИ ЙЎҚ, АРИҚ-ЗОВУРЛАР ҚАЗИЛМАЙ ТУРИБДИ. ДАЛАГА МАҲАЛЛИЙ УҒИ ЧИҚАРИШ ҲАМ КЕЧИКЯПТИ. БИНОБАРИН, ЭКИШ ОЛДИ ИШЛАРИ НИҲОЯТДА ТИҒИЗ КЕЛАДИ. ИШНИНГ ОҒИРЛИГИ ТЕХНИКА ЎСТИГА ТУШАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАР БИР ТРАКТОР, СЕЯЛКА, ПЛУГ ҲАМДА БОШҚА МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРНИ КЎКЛАМ ИШИГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТАЙЕРЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФАДИР.

УРУҒЛИКЛАРНИ САРАЛАБ, ҲОЗИРЛАБ ҚУЙИЛИК, ВИЛТГА ҚАРШИ, КУРАШ ВА МУЛ ҲОСИЛНИНГ АСОСИЙ ГАРОВИ БЎЛГАН АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ УНУТМАЙЛИК.

Бошланғич партия ташкилоти секретари минбари

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

Яшириб ўтирмайман. Бизда аввалари меҳнатни илмий ташкил этиш фақат меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг вазифаси деб ҳисобланарди. Ишчилар, бригадирлар, прораблар ва инженерлари илмий асосда меҳнат қилиш уларнинг биринчи галдаги вазифаси эканлигига ишонтириш зарур эди. Партия йиғилишида НОТ афзалликлари ишонарли қилиб асослаб берилди. Асосий эътиборни меҳнатни илмий ташкил этишдаги муҳим элементлардан бири — илғор тажрибалардан ижодий фойдаланишга қаратдик. Йиғилиш қарорларида ҳам илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилиш масаласи алоҳида таъкидланди. Трест НОТ кенгашида илғор тажрибаларни оммалаштиришни мунтазам муҳокама қилиш, партия йиғилишларида эса НОТ планларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши якунларини ҳар кварталда эшитиб боришга қарор қилинди. Йиғилиш қарорига мувофиқ, ходимларнинг ана шу масалаларга бағишланган мажлислари ўтказилди, бошқармаларда илғор тажриба мактабларга ишлай бошлади.

Партия йиғилишидан сўнг оммавий-сиёсий ишлар савияси анча кўтарилди. Юзлаб ишчи ва инженер-техник ходимлар галдаги вазифаларни муваффақиятли бажара бошладилар. Улар орасида В. Штибен, К. Рисқулов, А. Даштанов, Н. Карлов, А. Карочетин, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони экскаваторчи Т. Турдиалиев, бригада бошлиқлари У. Шаҳобов, И. Абдуллаев сингари ишлаб чиқариш новаторлари бор.

НОТ кенгаши 21 мутахассисни бирлаштирган. Уларнинг ҳаммаси коммунистлар, трест бўлимларининг бошлиқлари, бошқарма ва қурилиш материаллари комбинатининг бош инженерларидир. Бошқармаларда эса трест кенгашининг бўлимлари ишлаб турибди. Шунингдек, бошқарма кенгашларида ҳам ижодий группалар ташкил этилган. Уларнинг ишида участка бошлиқлари прораблар, мастерлар, бригада бошлиқлари ва ишчилар қатнашмоқда. Трестимиз ҳузуридаги махсус эксперименталь группа ишлаб чиқаришга фан ва техника янгиликларини жорий этиш билан шуғулланади.

Яқинда НОТни жорий этиш якунларини кўриб чиқдик. Ўн саккизта йирик тадбир ишлаб чиқаришга жорий этилиши трестга 170 минг сўм иқтисодий фойда келтирди. Йирик ҳажмдаги гипсланган тўсиқ деворларнинг қўлланилиши ҳар бир квадрат метрда 2 сўмдан иқтисод қилиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини берди.

«НОТ» ибораси бизда оммавийлашиб кетди. Унинг маъносини ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер яхши тушунадиган бўлиб қолди. Биз йиғилишларда, илғор тажриба мактабларида, шунингдек деворий газеталар ва плакатлар орқали меҳнатни илмий ташкил этиш у ёки бу бошқармага нималар берганлигини кенг пропаганда қиламиз.

Маҳсулот таннархи камайтирилиши ғуфайли ўтган йили планга қўшимча 396 минг сўм фойда олдик. Қурилиш ишларини илмий ташкил этиш объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан олган мажбуриятларимизни ўз вақтида бажариш имконини берадир. Электрохимкомбинат, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, трансформатор заводи, «Чирчиксельмаш» ва «Узбекхиммаш» заводларидаги қурувчиларимиз бунёд этган янги қувватлар юқори баҳода қабул қилиб олинди. Трест пландан ташқари 5 минг квадрат метр уйжой, 536 ўринли мактаб, ҳар бири 280 ўринли иккита болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширди.

Тажрибамиз меҳнатни илмий асосда ташкил этишга бутун коллектив фаол иштирок этгандагина катта самара беришини кўрсатмоқда. КПСС аъзоси, бригада бошлиғи И. Тарасов трубопроводлар изоляцияси учун қимматли ускуна — кўчма аравачалар яратди. Бу, ёғочни иқтисод қилиш ҳамда меҳнат шароитини яхшилаш имконини берди. Катта химия объекти қурилишининг кекса ходими прораб И. Иксанов ҳам доимо ижодий изланишда. НОТ туфайли унинг участкаси маржуд комплекслар шароитида аммиак ишлаб чиқаришнинг янги усулини амалга оширди. Аммиак комплексини муддатидан илгари ишга тушириш — КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларига амалий жавобимиздир. Бу «1-Чирчиқхимстрой» қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг ишчилар ижодий ташаббусини қўлдаб-қувватлаган ҳолда катта ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришганлигининг ёрқин мисолидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим ишларни ўз муддатида ёки муддатидан илгари бажаргани учун ишчилар ва инженер-техник ходимларга аванс мукофотлар бериб борилди. Шароитга қараб ана шундай рағбатлантириш усули партия группаси томонидан таклиф этилди. Моддий рағбатлантириш меҳнат унумдорлигини ошириш, НОТни муваффақиятли жорий этишда муҳим омиллардан биридир.

Трестимиз коллективи октябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажармоқда. Бу йилги иш программамизнинг қарийб ярмини химия ва қишлоқ хўжалик машинасозлига қурилишлари ташкил этади. Химия комбинатида минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар қурилмоқда. 227-УНР коллективи «Ташавтомаш» заводи реконструкциясида катта ишларни олиб бормоқда. Бу ерда бунёд этилаётган янги цех ва корхоналар ғўза қатор ораларини ишлашга мослаштирилган тракторлар ишлаб чиқариш имконини беради. Чирчиқ шаҳрида «Ташсельмаш» заводининг пахта териш машиналари ишлаб чиқарувчи филиалини қуриш мўлжалланмоқда. Олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Шунинг учун ҳам трест партия йиғилишида бу масалалар жиддий муҳокама қилинди. Сўзга чиққан ўртоқлар асосий эътиборни қурилишнинг барча соҳаларида меҳнатни илмий ташкил этишни кенг жорий этишга қаратдилар.

Шунинг учун ҳам биз қурилиш ишларининг эскириб қолган усулларидан воз кечмоқдамиз. Объектлар қурилиши ишлаб чиқариш лойиҳасига биноан мукаммал техник тайёргарлик қилилгандан сўнг бошланмоқда. Бизда ишлаб чиқариш технология комплекгацияси ва графиклари, шунингдек бошқа прогрессив иш формалари кенг қўлланилмоқда.

«Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармасида кўпгина янгиликлар мавжуд. Жумладан, бригадаларнинг ярми хўжалик ҳисобига ўтказилган, мукофот системаси жорий этилган. Бу, иш сифатини оширишда ва кўплаб материалларни тежаб қолишда яхши самара бермоқда. НОТ планларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишига бошланғич партия ташкилоти раҳбарлик қилади. Партия бюросида НОТ кенгаши ва ижодий группалар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам эшитиб борилади. Партия йиғилишларининг бирида «Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш коммунистлар ва бутун коллективнинг муҳим ишидир», деган масала атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиси коммунист И. Мартин сўзга чиқиб, қурилишда механизациядан кенг фойдаланиш юзасидан ўзининг қимматли таклифларини айтди.

Ишонамизки, қурувчиларга янги имтиёзлар бериш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарор ишни илмий асосда ташкил этиш планларини ишлаб чиқиш ва уни жорий этишда ишчиларимиз ва инженер-техник ходимларимизнинг ижодий ташаббуси янада ўсишига имкон беради.

Биз НОТни пропаганда қилишни трестимиз тарихи билан узвий боғлаб олиб бормоқдамиз. Доҳиймиз В. И. Ленин юбилейи олдидан қурилишдаги илғор методларнинг биринчи беш йилликлар даврида яратилганини эслаб ўтиш ўринли. В. Казмицев бошлиқ сувоқчилар бригадасининг рекордини бутун республика билади. Ўзбекистон катта кимёсининг тўнғичи — Чирчиқ электрохимия комбинати қурилишида бу дongдор бригада смена топшириқларини бир неча ҳисса ошириб бажарди. Ана шу улкан қурилишда Т. Холматов бошлиқ бетон қуювчилар бригадаси тезкорлик усулини қўллаган эди.

Новаторлар эстафетасини, ишлаб чиқаришни ижодий такомиллаштириш эстафетасини давом эттириш учун меҳнат ветеранлари билан ёш ишчилар ва инженерларнинг учрашувларини тез-тез ўтказиб турамиз. Бундай учрашувларда меҳнат ветеранлари ўзларининг бой тажрибаларини ёшларга сўзлаб беради. Шундай учрашувларнинг азиз меҳмонларидан бири — коммунист Г. А. Наумченкодир. У ҳамон ўз постида, меҳнат қучоғида. У партия группаси ташкилотчиси. НОТни жорий этиш ижодий группасининг аъзоси. Наумченко ёш ҳамкасбларига илғор иш методларини эгаллашда яқиндан ёрдам бермоқда.

Бу йил трестимиз қурилиш-монтаж ишлари программаси бир мунча ошди. Шуни айтиш кифояки, бу йил 30 миллион сўмлик иш бажарилиши керак. Бу вазифани муваффақиятли бажармоқ учун меҳнатни илмий ташкил этишни кенг жорий қилиш зарур бўлади. Чунки меҳнатни илмий ташкил этиш муваффақиятларимиз гарови, калитидир. Партком барча бошланғич партия ташкилотлари билан кенг коммунистлар отрядига таяниб, бундан кейин ҳам ишимизнинг ана шу муҳим соҳасига эътиборни кучайтиравераді.

Я. МЕЙТЕС,
Узбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 160-трест партия комитетининг секретари.





БЎЛАЖАК ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Тошкентдаги 4-Бутуниттифоқ давлат лойиҳа институтининг лойиҳачи инженер-техник ходимлари келажакда Ўзбекистонда бунёд этиладиган бир неча енгил саноат корхоналари замонавий лойиҳасини ишлаб чиқмоқдалар. Суратларда: (чапдан) Тошкент иккинчи тикувчилик фабрикаси, Бухорода қуриладиган бадиий буюмлар фабрикаси ҳамда Тошкентда қад ростлайдиган «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг лойиҳалари.

И. Глауберзон фотолари.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

ЧОРКЎЙ ТУРЛАРИ

● Чорқўйда янги цехда ускуналарни монтаж қилиш тамомланди. Бу цех маҳаллий трикотаж фабрикасида барпо этилди. Янги цех турли трикотаж буюмларни пардозлаш учун нафис капрон тўрлар тўқиб чиқара бошлайди. Ҳозирга қадар бундай тўрлар корхонага Москвадаги гардин-тўр тўқиш фабрикасидан келтириларди. Март ойида цех дастлабки минг метр маҳсулот беради.

МАШИНАСОЗЛАР МЕҲМОНИ

● Қўқондаги «Текстильмаш» заводининг навбатдаги клуб куни рус рассомлик санъати мактабига бағишланди. Николай Жуков Репин, Левитан, Серов, Бродскийнинг ўлмас асарлари тўғрисида сўзлаб берди. У ўзининг суҳбати пайтида ана шу рассомлар суратларининг репродукцияларини намойиш қилиб кўрсатди. Рассомлик ҳақида суҳбат ўтказган киши санъатшунос-мутахассис эмас. У — экспериментал цехининг слесари ва ана шу корхонада вужудга келтирилган санъат ва поэзия ҳаваскорлари клубининг актив иштирокчисидир.

«Текстильмаш» заводидаги шеърият ва санъат шинавандалари ўз ўртоқларининг ёрдамида Сергей Есенининг ҳаёти ва ижоди билан танишиб чиқдилар. Ҳозир клуб активлари «Ленин музикада» деган мавзуда неча ўтказишга тайёрланмоқдалар.

ТУЛКИ ОВИ

● Қизилқумда ов қилиб юрган Бухоро овчилари одатдан ташқари ўлжа — қизил тулки терларини кўтариб қайтмоқдалар. Одатда бундай тулкилар бу ерда ондасондагина учрарди. Қозоғистоннинг шимолий районларидаги ҳаддан ташқари қаҳратон совуқ ва қорнинг кўп ёққанлиги уларни кўчиб юришга мажбур қилганга ўхшайди. Озиқ-овқатдан маҳрум бўлиб қолган тулкилар жанубга йўл олди.

Овчилар тулки овини бошлаб юборишди. Мингбулоқ, Томди посёлкаларидаги, Балимонов номли колхозидаги тайёрлов пунктларига ҳозиргинг ўзидаёқ бутун ўтган йил мобайнида топширилганига қараганда бир неча баравар кўп тулки териси топширилди.

ЎСИШ, УЛҒАЙИШ

Ғалаба рапортига имзо чекаётиб бир воқеани эсладим. 1937 йил эди. Шу фабрика ўрнида қичиккина артель бўларди. Унинг дарвозасидан ийманибгина кириб, косибчиликка меҳрим тушиб қолганини айтдим. Директор менга бошдан-оёқ разм солгач: «Шогирдликни эплай олармикансан, майли, ишлаб кўр!» деди.

Кўримсиз, тор, қоронғи цехга кириб бордим. Ўн-ўн беш киши ерда қатор ўтириб ишларди. Артелда этик, эгар-жабдуқ ишлаб чиқариларди, холос. Ҳамма иш қўлда бажариларди. Иш унуми паст эди. Чарм етишмасди. Бир кун ишласак, икки кун бўш ўтирардик. Даромаднинг баракаси бўлмасди...

Энди-чи? Энди фабрикамизни ҳақиқий пойафзал корхонаси десак бўлади. Кичик цехдан йирик корхонага айланди. Эркаклар, аёллар, ўсмирлар, болалар учун этик, туфли, махси, чувак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20 баравар кўпайди. 1966 йили 819 минг жуфт, бурноғи йил 1 миллион жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилди.

Беш йилликнинг учинчи йилидаги ютуқларимиз бундан ҳам қувонарли. 1968 йил топшириғини муддатидан 20 кун олдин уддаладик.

Ўтган йили ҳар бир ишчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳам ортиғи билан бажарилди. Маҳсулотнинг таннархи планга нисбатан 31 минг сўмга камайтирилди.

Маҳсулотимизнинг ҳамма тури фойда келтирадиган бўлиб қолди. Илгари фақат Андижон областигагина маҳсулот етказиб берардик, ҳозир эса бутун республикага маҳсулот чиқариб турибмиз. Бу ютуқларнинг боиси нимада?

Энг аввало шуни айтиш керакки, фабрикада ишлаб чиқариш майдонлари анча кенгайтирилди. Ишчиларга қулай шароит яратилди. Йиғи-янги ускуналар сотиб олдик. 5 та «ЦВТ-8» ва «ПВТ-18» маркали қолиплаш, 3 та «211» маркали тикув машинаси келтириб ўрнатдик. Янги машина жиҳозларининг ишга туширилиши меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берапти.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтилиши корхонамиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Янгича шароитда ишлай бошлаганимиздан буён коллектив ўртасида ишга муносабат янада яхшиланди, машина ва механизмлардан самаралироқ фойдаланиш, хом ашёни тежаб-тергашга интилиш тағин ҳам кучайди.

Биз илгари чиқитларни ташлаб юборардик. Ишчилар ўша чиқитлардан болалар учун чувак ишлаб чиқаришни таклиф қилдилар. Қиска муддат ичида бу таклифни амалга оширдик. Сардо ташкилотларига кўплаб чуваклар етказиб берилди.

Коллективнинг баракали иши яхши рағбатлантирилапти. Бултур ходимларни моддий рағбатлантириш фондига ўтказилган пул 75 минг сўмни ташкил этди. Бу, 1967 йилдагидан 20 минг сўм кўп. Корхонанинг социалмаданий ва уй-жой қурилиши фонди 40 процент ўсди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонда эса 1967 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди.

Социалистик мусобақа ва коммунистчасига ишлаш ҳаракати яхши йўлга қўйилди. Цехлар ўртасида мусобақа шартларининг бажарилиши ҳар ойда якунланиб, илғорларга кўчма Қизил байроқ ва корхона моддий рағбатлантириш фондидан пул мукофотлари бериб турилди. Илғорлар биргина 1968 йилнинг ўзида 16 минг сўм мукофот пули олдилар.

Фабрикамизда В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллиги шарафига шахсий мажбурият олиб, ишлаётган ишчилар кўп.

Ҳамма нарса ва ҳамма кишилар ҳақида гапирганинг билан адо бўлмайди. Мен ҳали кўпгина комсомол ва коммунистларнинг номларини айтганим йўқ. Улар ранжимаслар деб ўйлайман. Ахир, улар ном чиқариш учун ишлаётганлари йўқку.

Фабрикамиз коллективи январь ойини ҳам муваффақиятли якунлади. Маҳсулот реализация қилиш плани 102,2 процент бажарилди. Савдо ташкилотларига пландан ташқари 25 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Энди ўзимизга боғлиқ бўлмаган муҳим бир масала хусусида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Фабрикада оёқ кийими ишлаб чиқаришни бир миллион жуфтга кўпайтиришимиз лозим. Бунга эришмоқ учун фабрикани кенгайтириш, қўшимча бино қуриш керак. Қурилиш учун лойиҳасмета ҳужжатлари 1967 йилнинг охирида тайёр бўлган ва у 162-қурилиш трестига топширилган. Бироқ маблағ йўқ бўлгани учун қурилиш бошланмай турибди.

Узбекистон ССР Енгил саноат министрлиги қурилишга пул ажратиб бермаяпти. Биз бу ҳақда министрликка бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин илтимосимиз оқибатсиз турибди. Министрликдаги ўртоқлар бу муаммони тезроқ ҳал қилиб берадилар деган умиддамиз.

П. ШЕРМАТОВ,
Андижон пойафзал фабрикасининг директори.

МУРАББИЙЛАР УСТОДИНИ ЭСЛАБ

Тошкент шаҳар А. Горький номли 27-болалар боғчаси Москвадаги Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қатнашчиси. Бу ерда Н. К. Крупсканинг 100 йиллиги муносабати билан тантаналы йиғилиш бўлиб ўтди.

Боғча мудири, кекса мураббий Фотима Қосимовна Аҳмедова партия ва ҳукуматимизнинг болаларга қилаётган буюк ғамхўрликлари, ота-оналар комитетининг фаолияти, Н. К. Крупсканинг таълим-тарбияга оид таълимоти тўғрисида гапириб берди. Турли миллат ва касб вакиллари аъзо бўлган ота-оналар комитети В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарликни олдиндан белгиланган программа бўйича олиб бораяпти. Тематик кечалар, лекциялар, республикамизнинг таниқли кишилари билан учрашувлар ўтказилапти.

Боғчада В. И. Ленин бурчаги ташкил этилган. У яхшилаб жиҳозланган, стендлар, альбомлар қўйилган. Махсус чиқарилган деворий газета Н. К. Крупская ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Йиғилишда ҳозир бўлганлар Н. К. Крупсканинг пластинкага ёзилган нутқини эҳтиёт билан тинглашди. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Хонум Аҳмедова Надежда Константиновна билан учрашган тўғрисида ўз таассуротларини сўзлаб берди.

Болалар боғчасида тарбияланувчилар ўқиган В. И. Ленин, Н. К. Крупская, Ватан, партия ҳақидаги шеърлар, бадиий ҳаваскорлар концерти неча файзга-файз қўшди.

Ж. ҒУЛОМОВ.

КАСБГА МЕҲР

Искандар мактабда ўқиб юрган кезларида елдек учқур машиналар ортидан ҳавас билан тикилиб қоларди. Бу ҳавас аста-секин орзуга айланди. У ўрта мактабни тугатгач автобазага слесарь бўлиб ишга кирди.

— Нега деганда, баъзи шоферлар йўлда машина бузилиб қолса, қийналиб бошқа ҳамкасбларини ёрдамга чақирадилар. Бу уларнинг ҳали техника сирларини пухта билмаганликларидан келиб чиқади. Мен шуни ўйлаб, биринчи қадамни слесарликдан бошладим,— дейди у.

У меҳнат билан бир қаторда, шоферлар тайёрлаш курсида сиртдан ўқиди. Ҳарбий хизматдан қайтгач у, Тошкентдаги 102-автобазада «39-84 ТИВ» юк ташувчи автомашинани бошқара бошлади.

— Бир куни,— ҳикоя қилади у,— кечки соат 12 лар эди. Мен «Овощчторг»га сабзавот келтираётган эдим. Йўлда бир шофер илтимос билан қўл кўтарди. Машинани тўхтатдим. Машинаси бузилиб қолган экан. У келтираётган юк жуда қимматбаҳо бўлиб, уни зудлик билан белгиланган участкага етказиши керак экан. Ердам сўради. Тажриба орттирганим иш берди. Бир соат ичидаёқ машинани отдек қилиб йўлга туширдик. Шофер йигитнинг менга миннатдорчилиги чексиз эди...

Искандарнинг баракали меҳнатидан автобаза коллективи хурсанд. У машинани бехатар ҳайдаб, кўплаб ёқилғи тежашга эришшётир. Ўнлаб шогард етказди. Улар ўз устози йўлидан бориб эл ҳурматига сазовор бўлишяпти.

В. И. Ленин туғилган кунилиг 100 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган Искандар Исроилов шу кунларда март ойи ҳисобига иш бажаряпти.

А. МАННОПОВ,
А. ФОЗИЛОВ.

МАРШРУТ УЗАЙТИРИЛДИ

Тошкент шаҳрининг қиёфаси шундай тез ўзгарки, ғўзаллашиб бормоқдаки, янги қурилган муҳташам биноларни, кенг ва равон кўчаларни, улар орқали янги маршрут бўйича қатнаётган трамвай ва троллейбус, ларни кузатиб улгуролмайсан, киши.

«Трактор йиғув заводи — ЦУМ» маршрути бўйича 10-троллейбус қатнай бошлаганидан бери анчалик кўп вақт ўтгани йўқ эди. Энди унинг маршрути янада узайтирилди. Кечадан бошлаб «10» рақамли троллейбуслар пештоқида «Тракторосборочний — Вокзал» деган ёзув пайдо бўлди. Ишчилар шаҳарчаси, Катта Олмазор массивида истиқомат қилувчи меҳнаткашлар, трактор йиғув, экскаватор ремонти, компрессор ва подшипник заводларининг ишчилари Революция хиёбонига, вокзалга битта транспорт билан борадиган бўлдилар.

А. МАЪЗУМОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИ УЧУН КЕЛГАН ҲИКОЯЛАРДАН

ШЕРЧЎҚИ

ҲИКОЯ

Қат-қат тоғ ўркачларидан ҳаллослаб чиққан қўйш азим тоғлар устига қўниб олгандай. Шағал тўкилган йўлда на машина, на пиёда кўринади. Қуй қуйлагининг билагини шимарган, сомон шляпасини манглайига бостириб олган бир йигит катта харсанг устида йўлга тикилганича кетма-кет папирос тутатарди. Нақ боши устида, баланд кекса қайрағочда бир жуфт қизилиштон бир-бирига гал бермай, бутоқни чўқиб, «ногора» чалар, парча-парча пўстлоқ «шап» «шап» ерга учарди. Қаршидаги пастак панжарали қоғозда бир тўда кабутар «қурт-қуртлаб» қувалашиб юрарди. Йигит йўловчи машина ўтишидан умидини узиб, ўрнидан турди. Бир неча китоб ва майда-чуйда солинган йўл халтасини қўлига олди. Шу пайт ўрик зордан оёқлари узун, ҳачирдек оқ эшак пилдираб чиқиб, сой томонга бурилди. Унинг орқасида икки ўрам сочи белида ўйнаган ҳандалак юз, ўн тўққиз ёшлардаги қиз келарди. У ерга қарганича ҳаёл суриб, қўлидаги ўроғини чир айлантириб ўйнаб борарди. Йигит унга тикилганича қайкалдек қотиб қолди. Ана, қиз сойга яқинлашди. Тор темир кўприк ҳам ортда қолди. Оқ эшак худди моҳир йўл билгувчидек олмазор оралаб, юқорига—тоққа кўтарила бошлади. Йигит халтасини елкасига ташлаб ўша томонга чопди. У олмазордан чиқиб, қиз сўқмоққа етганида ҳарсиллаб, герга ботди. Қалин арчалар орасидан қизнинг қораси кўринмасди. Йигит нафасини ростлаб яна жадал юқори юрди. Баланд гепаликни айланиб ўтгач, чамаси ўттиз одим нарида қизни кўрди. У эшакка миниб олган, тўрт оёқли «мотороллер» чарчашни билмай пилдираб юқорига чиқиб борарди. Унинг тўёқ говушидан, ҳуркган чумчуқ, чўғурчуқ галалари дарахтдан-дарахтга ғув-ғув кучади. Чап томондаги яшил дарада булбуллар бир-бирига гал бермай сайрашар, уларга ҳавас қилгандай қаердадир қарқиноқ қаттиқ-қаттиқ чағирларди. Сўқмоқда жажжи жибражибон дам сакраб, дам учиб ўйнар, гепада эса кўбиш нурига аргимчоқ учгандек суфитўрғай йигитга «етолмайсан, етолмайсан» дея бижирларди.

Йигит қизга етиб олишни, қатто унга кўринишни истамас, у из йўқотмай қарама-қарши боришни ўйларди. Дарахтлар қатори қуюқлашиб борарди. Арчазор ўрнини дўлана, тоғолчалари эгаллади. Сўнг енгқозор бошланди. Атроф ранг-баранг гул. Кўм-кўк ўт белга уради. Эшак тўхтади. Қиз сакраб ерга тушди. Сочини бошига чамбарак қилиб боғлаб, ўт ўришга киришди. Йигит дарахтлар панасида унга яқинлашди. Енгоқ орқасига туриб олдида, овозини айиқча ўхшатиб ўқирди. Қиз ўроқни қаттиқ қисиб орқасига тисарилди.

— Юрагингизга қойилман, Назира,— деди йигит.

— Мурод ака! Районга бормадингизми?

— Оёғим тортмади. Сизга ёрдамлашгани келдим.

Мурод шляпасини бир чеккага улоқтириб қизнинг қўлидан ўроқни олди. Йигит Назиралар хонадонида меҳмон. Улар узоқ қариндош эдилар. Кўпдан бери-келди йўқ эди. Бу йил Мурод Боботоғ этакларига практикага чиқди. Геологлар Нор ота қишлоғи яқинида жойлашган эди. Кунлардан бир куни Мурод қариндошларини йўқлаб келди. Назирани шу дарғоҳда кўрди.

— Ўроғни тўғри ушланг, оёғингизни узиб оласиз,— деди қиз. Йигит қаддини ростлаб, манглай терини артди. Ўроқ қўлдан қўлга ўтди. Бир зумда ўт ғарами ўтовдек бўлди. Уни бог-бог қилиб таҳлашди.

— Пичанининг ярми гул бўлдида,—деди йигит боғларни ғарам қилар экан. — Буни қаранг, жуда чиройли гул экан. — Бу гулнайри, дори гул,— деди. Чиройли, лекин хиди учча эмас. Қиз атрофга кўз ташлаб, ёнғоқ тагидан гул уради.— Ана тоғ районининг хиди яхши. — У райҳонининг катта шохини йигитга узатди. Йигит уни ҳидлаб, чеккасига тақиб олди.

— Анави ялпоқ қулоқни қараанг.

— Буми, ялпоқ қулоқ эмас, қайнона панжаси. Кўп дардга даво дейдилар.

Мурод Назиранинг ўйчан кўзларига, иссиқдан бўрсиллаган қизгиш юзига қаради. Унинг назарида ўлтаган, иболи бу тоғ қизи бир зумда катта олимага айланганидек бўлди.

— Назира сиз ўқишни давом эттиришингиз керак, — деди Мурод. — Ҳадемай акангизга армиядан қайтади, бағрингиз бут, колхозчилардан кўнгилингиз тўқ бўлади.

— Ўқишни ўйлаганим-ўйлаган. Лекин институтга киришни айтинг.

— Кирасиз. Интилган киши ҳар қандай чўққини забт этади.

Қиз кулди. Аллақаерда булбул хониш қилди. Бир гала турна аргимчоқ солиб, баланд чўққи сари шитоб билан учиб ўтди.

— Интилиш кифоямикин, — ўзига гапирганидек деди қиз. — Ана Шерчўққини кўрганисизми? Унга қанча одам интилди. Лекин ҳануз ҳеч кимнинг оёғи теккани йўқ.

Мурод нима деярини билмай чўққига тикилди. У Шерчўққи афсонасини эслади. Уни Нор отадан эшитган эди. Қадимда даҳшатли шер бўлганмиш. Унинг важоҳати бутун қишлоқни ларзага солган. У ойга ошиқ бўлиб қолганмиш. Кунлардан бирида шер тоғ тепасига чиқиб, осмонда сузиб келаётган ойга сапчиган. Тирноқлари ой юзини тимдалаган, ойдаги доғ ўшанинг изи эмиш. Шер ойни ололмай, тоққа қулаб, ер парчин бўлган-у, жасади қояга айланган эмиш.

Йигит йўл халтасини қўлига олди. Шерчўққига бир қараб қўйди-да, қизга:

— Хайр, — деди.

— Қаёққа?

— Шерчўққига чиқаман.

— Йўқ, борманг. Етолмайсиз!

— Сиз гелоглари билмабсиз.

Йигит тез-тез одимлаб ёнғоқзорлар оралаб юқори кетди. Қиз унинг кетидан қарай-қарай пастга йўл олди.

Кеч кирди. Назира не хаёлларга борди: «Шерчўққига ҳануз ҳеч кимнинг оёғи теккани йўқ, деб нега айтди. Яна бир фалокат юз бермасайди». Дастурхон йиғиштирилар экан, «Болакай, нега кечга қолди, машина бўлмадимикан» деди чол хавотирланиб. Шунда қиз Мурод районга эмас, балки Шерчўққига кетганини айтди. Нор ота тутақиб кетди:

— Боядан бери нега айтмадинг Мўмин аканларникига чиқ!

Қўшниси Мўмин ишдан қайтмаган экан. Ўша куни Нор ота хонадонида уйқу бўлмади. Муродни кутишди. Тонгга яқин тоғ устида чақмоқ чақиб, чийор шохига ўхшаш ёлқин ёниб, момақалдироқ гумбирлади. Эрта тонгда Нор ота қўш оғиз милтиғини Мўминникинг қўлига тутқазиб, Назира икковини Муродни излашга отлантирди уларни сой кўпригигача кузатиб борди.

Қаҳрамон шифокорлар ОҒА

Ўтиб кетган йилларнинг ҳар бир ойини, ҳар бир ҳафтасини, қолаверса ҳар бир ўтаётган дақиқани хотирга олар эканман, кўз олдимда ўтган кунлар, ажойиб кишилар, воқеалар гавдаланади.

Февраль ойининг тўртинчи куни. Фақат шифокорларингигина шодиёна куни бўлиб қолмай, бутун сиҳат ва саломатлик қадрини билган, дард-алам чекиб соғлом бўлиб кетган кишилар умрига-умр қўшаётганлари учун қувонч куни десак ҳақиқат бўлур. СССР Олий Совети Президиумининг халқимиз соғлиғининг посбонларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини бериши минтаб ва миллионлаб кишиларнинг дилига шавқ бағишлаб, завқларига завқ, кучларига куч қўшиб янги ютуқларга илҳом бағишлади. Шонли меҳнат қаҳрамонлари ичида меҳри дарё, қўллари юзлаб ва минглаб ҳаёти қил устида турган беморларга янги умр ҳадя қилган, дўст деса дўст дегуден, устоз деганда ҳақиқий устоз, инсонлик бурчини бажо қилишда олижаноб фазилат эгаси Ўрозимбет ога Холмуродов ҳам бор.

Кўз олдимда 1940 йилнинг жазирама иссиқ кунлари. Мен курсдошим Абдували Комилов билан Тўртқўл шаҳрига йўл олдик. Йўл ироқ, темир йўл у вақт кишиларнинг орзусигина эди, холос. Самолёт эса бир ҳафтада бир учарди. Шунинг учун ҳам ягона ва ишончли кишилар қатнов йўли фақат Амударё эди. Дон-дун ортган кемада кеча Амудан Тўртқўл томон сузардик. Табиат манзараларини кузатиб, қоқи неча-ю икки кундуз йўл азобини чекиб, мусофирчиликнинг ўзига хос қийинчиликлари билан биринчи марта юзма-юз учрашиб, борар жойимизда қандай кутиб олишларини билмай, Тўртқўл шаҳрига етиб келдик. Ҳафтанинг душанба куни. Соғлиқни сақлаш халқ комиссариатида ҳужжатларимизни кўрган аёл комиссар, ўринбосари, Ў. Ҳолмуродовга учрашиши тавсия қилган эди, йўл босиб ҳориган дўстларим Ҳолмуродов ҳузурига менинг киришимни лозим кўриб, ўз ҳужжатларини бердилар.

Кичик, оддийгина жиҳозланган хонада катта столдан бошини кўтармай ўтирган, ёши 35-40 атрофидаги, кенг пешанасига икки-уч чизиқ тушган, қалин тим қора қошли, қирра бурун тагида хуснига ҳусн қўшган тумордек мўйловчаси бор, баланд бўйли, истараси иссиқ Ў. Ҳолмуродов менинг ҳузурига кирганимни ҳам сезмай, ўз иши билан банд ўтираверди. Шу дам телефон жиринглади. Телефонда сўзлашар экан, мулойим ва майин товушда бир неча бор қайтариб, сабр қилиқ Тошкентдан мутахассислар келиши билан ёқ ёрдамга борадилар, вақт топиб ўзим ҳам ўтарман, деди-да, аллақачонлари йўлаб мен томонга қаради ва ўрнидан туриб қўлиқ сўраша бошлади. Шу он юлган дўстларимни ҳам ўз ҳузурига таклиф қилиб, улар билан ҳам бирма бир сўраш-шар экан. Ярим ҳазил ва ярим чин қайиқларингизнинг дарё қумига ботиб қолиши сиқалфни жуда ҳам чарчаттан бўлса керак, деди-да, кенса Амударёнинг нақадар шўх эканлигини, ўз оқимиқ гоҳ ўнг қирғоқка, гоҳ чап қирғоқка буришини, дарё ўрталарида қумдан оролчалар пайдо бўлиб, кемачиларга тўғон бўлиб қолишларини ва бу таажжубли, сирли дарё Қорақалпоғистонинг келажагига нақадар ўзгаришлар келтиришини, денгиз каби бепоён чўлу саҳроларда катта бойликлар бор эканлигини, туғилиб ўсган диёрининг келажаги нақадар порлоқ эканлигини завқ ва катта ишонч билан айтиб берди. У ҳаёлимизни шу қадар ўзига жалб қилдики, биринчи кўриб, танишганимиз Ўрозимбет Холмуродов бизга худди ўзимизнинг қадрдон устозларимиздек туюлди. Бизнинг Тўртқўл шаҳрида ишлашимиз маъзум бўлишига қарамай, Холмуродовнинг таклифи бирмизни Шумаканга, иккинчимизни Хўжайлига, мени эса Кегайли районларига бориб, соғлиқни сақлаш ишларида кўмаклашишимизга йўллади.

Тонг отиши биланоқ Тўртқўлдан Кегайли районга томон дори-дармонлар ортилган машинада пастбаланд қумзор чўлу-биёбонлар босиб кетар эканман, чўлнинг гармсели, қанчалик оритмасин, ташқалик азоби қийнамасин кўз олдимда туғилиб ўсган диёрининг келажагини завқ билан сўзлаб берган биринчи қорақалпоқ шифокори Ў. Холмуродов гавдаланар ва у билан яна бир бор кўришиб, сермазмун суҳбатини тинглаш орзуси ҳаёлимдан чиқмас эди. Халқимиз «яхши ният ярим мол» дегани-ки Кегейлига келганимга уч кун ҳам бўлар-бўлмас Ў. Холмуродов зарур ишлар режаси билан келиб, биз турган меҳмонхонада жойлашди. Тўртқўлда бошланган биринчи танишишнинг мароқли суҳбати Кегайли районида давом этди.

Камбагал оилада бунёдга келган Ўрозимбет болалик чоғларида тортган аччиқ-чучук кунларини, она меҳр ва муҳаббатига тўймай, ғўдаклик даврида етим бўлиб қолганлигини, кишилар уйларида қилган хизмати ва чеккан заҳматларини болалик давридаги фожиали ўтган кунлар, деб эслайди. Буюк Октябрь инқилоби кунларида 17 ёшли йигит бўлиб, бир йилдан сўнг ўз хоҳиш ва истаги билан қизил аскарлигига кирганлигини, Жунайдхон каллакесарларига қарши курашда қатнашганликларини, Хорезмда босмачиларни бартараф қилишда иштирок этиб, жанг майдонида ярадор бўлганликларини ва дард азобини чека туриб келажакда шифокор бўлиш ниятлари пайдо бўлганлигини, Қорақалпоғистонда янги бахт ишчи-деҳқонлар тузумини барпо қилишда жонини ҳам аямай қатнашганлигини хотирлаб, саводим кам бўлишига қарамай Тўртқўлдаги тиббиёт курсининг бошлаги

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Шўрли мамлакатларда

АҚШ. Сан-Францискода ирқчилик ва камситишларга қарши шаҳар колледжи студентларининг намойиши бўлиб ўтди. Маъмуриятнинг чақириғига биноан етиб келган полиция ўқувчилардан қонли ўч олди. Кўпгина намойишчилар қамоққа олинди. Суратда: бир группа намойишчилар полициячилар қуршовида.

АП—ТАСС телефотоси.

БИРДАМЛИККА ЧАҚИРИҚ

ПРАГА, 25 февраль. (ТАСС). Вьетнам янги йилни байрам қилиш муносабати билан жаҳон касаба союзлари федерацияси секретариати бу ерда эълон қилган баёнотида бутун дунё касаба союзларини ва меҳнаткашларини Вьетнам меҳнаткашлари ва халқи билан бирдамликни мустаҳкамлашга чақиради.

Секретариат ВДР ҳукумати билан Жанубий Вьетнам миллий Озодлик фронтининг қўйган қонуний талабларини қўллаб-қувватлайди. Бу талаблар Жанубий Вьетнамдаги Америка агрессиясини сўзсиз тўхтатиш, Американинг барча қўшинларини ҳамда Америка малайлари қўшинларини Жанубий Вьетнамдан чиқариб олиб кетиш, Американинг Жанубий Вьетнамдаги барча ҳарбий базалари ва объектларини тугатиш, демилитарлаштирилган зонадаги ҳар қандай агрессия ва барча ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва Вьетнам халқига ўзининг ички проблемаларини чет давлатлар аралашувисиз ўзи ҳал қилиш имкониятини беришдан иборат.

Баёнот Жанубий Вьетнам халқининг жанговарлик қобилиятини юксалтиришга, Шимолий Вьетнам халқининг эса миллий экономикани тиклашига самарали ёрдам бермоқ учун ҳамма шаклдардаги моддий ёрдам кўрсатишни кучайтиришга чақиради.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати шу ҳал қилувчи даврда бутун дунё меҳнаткашлари ва касаба союзлари Вьетнам меҳнаткашларини ва халқини энг самарали равишда қўллаб-қувватлашига ишонгани ҳолда, дейилади баёнотда, улар Вьетнам халқининг муқаддас ва одилона иши тантанасига мадад бериб, айни маҳалда империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун бутун инсониятнинг социал тараққиёти учун халқаро ишчилар синфи бошқа тараққиёт ва тинчлик кучлари билан бирга олиб бораётган умумий курашга ўз ҳиссаларини қўшишларини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

В. УЛЬБРИХТНИНГ В. БРАНДТГА МАКТУБИ

БЕРЛИН, 24 февраль. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Вальтер Ульбрихт Марказий Комитет сиёсий бюроси номидан Германия Социал-демократик партияси правлениесининг раиси Willи Брандтга мактуб ёзди. Мактубда таъкидлаб ўтилганидек, Ғарбий Германия ҳукуматининг Ғарбий Берлинда, яъни Ғарбий Германия Федератив Республикаси чегараларидан ташқарида Ғарбий Германия федерал президенти сайловини ўтказиш плани кескинликни кучайтиради.

Иккинчи томондан, Социал-демократик партияда федерал йиғилишнинг Ғарбий Берлинда чақирилишига қатиқ қаршилик кўрсатилаётганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Бу ҳол, жумладан, турли йиғилиш ва митинглларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Кўпгина социал-демократлар федерал йиғилиши Ғарбий Берлинда эмас, балки Ғарбий Германия территориясидаги бошқа бирон шаҳарда чақириш масаласини Ғарбий Германия ҳукумати олдига қўйишни талаб этмоқдалар.

Шу муносабат билан В. Ульбрихтнинг В. Брандтга йўллаган мактубида айтилишича, социал-демократ министрлар Ғарбий Германия ҳукумати ва Ғарбий Германия бундестаги раисининг федерал йиғилишни Ғарбий Германияга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам берганларида, бу ҳол кескинликни юмшатган бўлур эди.

В. Брандтга юборилган мактубнинг охирида Ғарбий Берлин мустақил сиёсий замин эканлиги таъкидланади ва Ғарбий Берлин сенати федерал йиғилишни шу жойда ўтказишдан воз кечган тақдирда Германия Демократик Республикаси ҳукуматига мурожаат қилиб, Ғарбий Берлин гражданларининг 1969 йил пасхасини ўтказиш учун ГДР пойтахтига келишларига имконият яратиб беришни илтимос қилар эди, дейилади. Германия Демократик Республикасининг ҳукумати бундай истакни ҳайрихоҳлик билан қараб чиқишга тайёрдир.

Ғарбий Германия ҳукуматининг Ғарбий Берлинда ўтказилиши мўлжалланган игвогарликдан воз кечишга ёрдам бериш — Ғарбий Германия Федератив Республикасидаги ва мустақил сиёсий замин бўлган Ғарбий Берлиндаги тинчликсевар кучларнинг, шунингдек ўз зиммасидаги жавобгарликни сезаётган бошқа давлатлар ҳукуматларининг вазифасидир.

НАТО ҳомийси

БРЮССЕЛЬ. Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШ президенти Р. Никсон Брюсселда сўзлаган нутқининг асосий қисмини НАТОнинг мақташга бағишлади. НАТО бундан йигирма йил муқаддам «совуқ уруш» қизиб кетган бир пайтда тузилган эди. Никсон фактларга хилоф суратда «НАТО Совет Иттифоқи томонидан таҳдид бўлганлиги натижасида вужудга келган эди» деб даъво қилди.

Шу билан бирга президент ҳозирги вақтда қўпгина муҳим масалаларни «ҳар томонлама пухта ўйлаб кўриш» зарур ва Қўшма Штатлар «ўз фаолиятини таҳлил этишга киришди» деди. «Мен,— деб уқтириб ўтди у,— ўзаро кураш олиб бориш давридан чиқиб, музокаралар олиб бориш даврига қадам қўймоқдамиз, деб илгари айтган эдим. Вақти келиши билан ва тегишлича тайёргарлик кўрган ҳолда кўп масалалар юзасидан Совет Иттифоқи билан музокаларни бошлаб юборамиз».

Аммо Никсон сўзининг охирида НАТО тўғрисидаги шартнома муддатини узайтириш тарафдори эканлигини қатъий қилиб айтди. Ана шу шартнома муддати шу йилнинг апрель ойида тамом бўлади. Никсон НАТОни «ўзгариб бораётган шароит»га мослаштиришга даъват этди. (ТАСС).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Шарқий жанубий томондаги йўлга хизмат кўрсатадиган темир йўлчиларнинг 36 соатлик забастовкаси тугади. Забастовкачилар, жумладан, шу парсани таъкидлаб ўтдилар: ўтган йили май-июнь ойида умумий забастовка галаба қозонгандан кейин иш вақтини қисқартириш тўғрисида тузилган битим имзоланишига қарамасдан, темир йўл маъмурияти иш ҳафтасини узайтирган. Темир йўлчилар касаба союзларининг вакиллари ишчиларнинг талабларини муҳокама қилмоқ учун маъмурият вакиллари билан учрашдилар. Забастовка ҳаракати Лотарингиянинг тог-кон районида ҳам авж олиб кетди. Кончилар иш ҳақи оширилишини, отпуска муддатлари кўпайтирилишини ва касаба союзларининг озодлиги гарантияланишини талаб қилмоқдалар.

ГФР

БОННГ. Германия Федератив Республикасидаги концернларнинг эгалари ўз қарамоқларидаги корхоналарда ишлаётган чет эллик ишчиларни «иккинчи даражали кишилар» деб ҳисоблаб келмоқдалар. Гамбургда чиқадиган «Конкрет» журнали Ғарбий Германия корхоналарида 1 миллиондан зиёдроқ чет эллик ишчи қаттиқ эксплуатация қилинаётганлиги тўғрисида ёзади.

Журналнинг кўрсатишича, чет мамлакатларда «меҳнат юзасидан махсус воситачи комиссиялар» чет эл ишчиларини ёлламоқдалар. Ёлланган ишчиларни «бесавод ваҳшийлар» деб ҳисоблайдилар ва уларни энг оғир иш участкаларига қўймоқдалар. Корхона эгалари чет эллик ишчиларни ҳамиша назорат остида тутиш учун уларни ташқи дунёдан ажратиб қўйишга интиладилар. Ана шу чет эллик ишчиларнинг мамлакатда кўчиб юриш эркинлиги кескин даражада чегаралаб қўйилган. Ёлланган ишчиларнинг 70 проценти бараклар ва йоқулай ётоқхоналарда кун кечирмоқдалар.

АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Англияда қуйи касаба союз ташкилотларининг чақириғига биноан, ҳукумат ишчиларга қарши янги қонун чиқариш ниятида эканлигига қарши меҳнаткашларнинг бир кунлик забастовкасини ўтказиш учун кампания авж олмоқда. 250 минг ишчини бирлаштирадиган «Женерал-электрик-инглиш-электрик» компанияси корхоналарининг, 250 минг аъзони бирлаштирадиган мамлакатда энг йирик транспорт ва малакаси бўлмаган ишчилар касаба союзи, Клайда (Шотландия) кемасозларидан 30 минг кишини бирлаштирадиган корхоналар, бошқа касбдаги кўпгина меҳнаткашларнинг вакиллари навбатдаги забастовкани қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар.

Ливерпуль яқинидаги Хейлвудда «Форд» автомобиль заводининг 3,5 минг ишчиси забастовкани давом эттирмоқда. Ишчилар ўзларининг иш ҳақларини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришдан бош тортган маъмуриятга қарши норозилик билдирмоқдалар. (ТАСС).

ФРГ. Юпп Ангентфорт Дортмунда «демократия ва қуролсизланиш кампанияси» мажлисида нутқ сўзлаяпти. Ғарбий Германиянинг таниқли коммунисти ФРГнинг барча прогрессив кучларини неофашизмга қарши курашга чақирди. Ажойиб ватанпарвар ва антифашист, Германия Коммунистик партиясининг лантагдаги собиқ депутати ҳозирги пайтда Бонн ҳукумати томонидан қувғин қилинмоқда. Уни яна турмага ташламоқчилар.

АДН—ТАСС фотоси.

СУРБЕТЛАРЧА ИГВОГАРЛИК

АММОН, 24 февраль. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Исроил билан Иордания ўртасидаги ўт очишни тўхтатиш чизиғида игвогарлик қилишни давом эттирмоқда. Иордания ҳарбий қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида айтилишича, неча Исроил моторлашган пиёда аскарларининг йирик калибрли пулеметлар билан қуролланган бир неча бронетранспортери 7 реактив қирувчи бомбардимончи самолёт мададида Ақаба портидан шимолроқда Иордания территориясига бостириб кирган.

Води ал-Араба районида Иордания армиясининг позицияларига ракеталардан фойдаланган ҳолда осмондан ҳужум қилинган ва минометдан қаттиқ ўққа тутилган. 80 минут давом этган шиддатли отишма натижасида ҳар икки томон каттагина талафот кўрган. Иордания артиллериясининг ўти билан Исроилнинг 3 бронетранспортери ярсон қилинган. Ярадор қилинган ва ўлдирилган Исроил солдатлари вертолётлар ёрдамида тўқнашув районидан олиб чиқиб кетилган. Иордания томонидан ҳам ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор, дейилади ахборотда.

ФРАНЦИЯНИНГ АНГЛИЯГА НОТАСИ

ПАРИЖ. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, шу йилнинг 4 февралида президент де Голль Англиянинг Париждаги элчиси К. Соумс билан қилган суҳбат тўғрисидаги ҳисоботдан Англия дипломатия каналлари ва матбуотида фойдаланилганлиги муносабати билан Франция ҳукумати Англия ҳукуматига расмий нота йўллади. Президентнинг таклифларини бузиб кўрсатувчи бу ҳисоботни президент секретариати, на Франция ташқи ишлар министрлиги ҳеч бир маъқулламаган эди, деб ёзади агентлик. (ТАСС).

ИСРОИЛ БОШ МИНИСТРИ ЎЛДИ

ЛОНДОН, 26 февраль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг муҳбири Куддусдан хабар беради: Исроил бош министри Леви Эшкол бугун эрталаб юрак ўйноғи тутиб ўлди.

В. РОШЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 24 февраль. (ТАСС). Франция Компартиясининг бош секретари Вальдек Роше Банье шаҳрида бўлиб ўтган партия активи йиғилишида сўзга чиқиб, ФКП Марказий Комитети мамлакатда ўтказилажак референдумда французларни «ёқдаймиз» деб айтишга чақиради, деди. ФКП коммунистларни актив кампания олиб боришга, референдумни илғор демократия ва социализм учун умумий кураш босқичига айлантиришга чақиради.

Вальдек Роше Вьетнамдаги воқеалар хусусида гапириб, Вьетнам халқининг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган ҳаҳрамонона кураши янгидан-янги галабалар билан нишонланмоқда ва АҚШ қатъий маглубият ёқасида турибди, деди.

ФКП бош секретари Ғарбий Берлинда Германия Федератив Республикаси президенти сайловини ўтказишга уринаётган Ғарбий Германия раҳбарларининг игвогарлик сиёсати тўғрисида муфассал тўхталиб ўтди. «ГФР раҳбарларининг мақсадлари, — деб таъкидлади В. Роше, — Ғарбий Германия иккинчи жаҳон уруши натижаларини шубҳа остига қўйишни истаётганлигини яққол кўрсатади». «Бизнинг партиямиз ГФР атом қуролига эга бўлишига қарши Европада урушдан кейинги чегарадарларнинг ҳурмат қилинишни учун, Германия Демократик Республикаси тан олинишни учун, 1969 йилда Франция НАТО блокидан буткул чиқиб кетиши учун кураш олиб бормоқда», — деди В. Роше.

ҲАР ТЎҒРИДА

БОҒ ҲАВОСИ... ДАВО

БОҒ ва ўрмонларда юрган киши ўзини жуда енгил ҳис қилади. Боғ ҳавоси танга даво ҳамдир. Яқинда машҳур совет биолог олими, академик Н. Г. Холодновский ана шундай хулосага келди. Олим боғдаги ва ўрмондаги ҳар бир кубометр ҳавода фитоцидам (ўсимликлар ўзини микроблардан ҳимоя қилиш учун чиқадиган модда) дан ташқари бир неча миллиграмм витаминлар ҳам борлигини аниқлади.

ШАҲАР... ТОПИЛДИ

ИПАТЬЕВ солномаларининг 1115 йилларда битилган саҳифаларида ёзилишича, Днепрнинг ўнг қирғоғида Киевни муҳофаза қилиб турувчи Иван номли катта рус шаҳри бўлган. Бу шаҳарнинг атрофи девор ва ҳандаклар билан ўралган. Яқинда Украина Фанлар академиясининг археология институти экспедицияси Канев яқинидан шу шаҳарнинг қолдиқларини топди. 30 га яқин уй ва кулбалар қазиб кўрилди. Бу кулбалардан ўроқ, болта, арра ва бошқа меҳнат қуроллари топилди. Бу асбобларнинг кўпи темир ва бўғуларнинг шоҳидан ясалган. Топилмалардаги қора доғлар, уйлар бу шаҳарда жуда катта ёнғин бўлганидан далолат бериб турибди. Ботухон қўшинлари Иван шаҳрини узоқ муддат қамал қилиб турганидан кейин 1224 йилда уни бутунлай ёндириб юборганлар.

НАПОЛЕОН I НИНГ ПОРТФЕЛИ

ПОДОЛЬСК губернасида яшовчи В... Хонимнинг уйида ажойиб бир нарса бор. Бу — Наполеон I нинг портфелидир. Наполеон I 1812 йилда Берёзиндан кечиб ўтаётганда бу портфелини йўқотиб қўйган эди. Рус қўшинларининг полковниги, граф Ксаверий Дунин бу портфелни топган кишидан олиб, ундаги ҳужжатларни штабга топширган. 1851 йилда граф Ксаверийдан бу портфели бир минг полуимпериалга сотишни сўрашган. Лекин граф император Наполеон III га бу портфелни сотмади. Граф ўлганидан кейин унинг мол-мулки меросхўрларига бўлиб берилди. Наполеон I нинг портфели эса граф Ксаверийнинг жияни граф Феликс Лидоховскийга тегди. У эса портфелни В... хонимга тандим этган экан. Хоним эса тарихий портфелни сотиб, бу маблағнинг бир қисмини эзби-эйнатларга ҳарж қилмоқчи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Фортепьяно, скрипка ва виолончел учун беш пьеса. 10.10 — Концерт. 10.30 — Қўшиқлар. 11.15—«Ҳадқ контроли амалда». 11.30 — Дўстларимиз қўшиқлари. 12.45—Берлин радиосининг эшиттириши. 13.30 — Чет эл композиторларининг эстрада куйлари. 15.15 — «Музикали маданият университети». 16.10 — Фортепьяно куйлари. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Музикали Тошкент» (радиожурнал). 18.00—«Бинокорларнинг янги марралари». 18.10 — К. Жалилова куйлайди. 19.20 — Концерт (сайловчиларнинг талабларига мувофиқ). 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.30 — Ёшлик қўшиқлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун). 21.55—«Саломатлик—туман бойлиги». 22.20—Рубоб куйлари. 22.40 — «Социалистик реализм — адабиётимиз байроғи» (суҳбат) 23.15 — Фузулий лирикаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Октябрятлар устахонаси. 18.20 — Спорт янгиликлари. 18.50 — Телеянгиликлар. 19.00 — Бадиий ҳаваскорлар концерти.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар. 18.15 — Кинофильм. 18.45 — Ун минут музика. 18.55 — Телефильм. 19.15 — Узбек тилида телеянгиликлар.

Рус тилида: 19.30 — «Арена» (бадиий фильм). 21.05 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 21.45 — Санъат усталари. 3. Муҳаммаджонов (Ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/II да Трубадур, 28/II да Боғчасарой фонтани.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—27/II да Бойнла хизматчи, 28/II да Аяжонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/II да Кимга тўй, кимга аза, 28/II да Навоий Астрободда.

КИНО

Ака-ука Карамазовлар (3-серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ёшлик-бебошлик — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бурилиш (1-залда). Вена қизлари (2-залда) — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Разведкачилар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ўғар ёнма-ён яшайдилар — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
28 февралда

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Кечада шоирлардан МИРТЕМИР, ҲАМИД ҒУЛОМ, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН, ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ;

Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: БОТИР ЗОКИРОВ, КОММУНА ИСМОИЛОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ, ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА;

Солистлар: ФАҲРИДДИН УМАРОВ, МУҲАББАТ ШАМАЕВА, МАЛОҲАТ ДАДАБОЕВА, ОРИФХОН ХОТАМОВ, ҲАКИМЖОН ФАЙЗИЕВ, ИЛЕС МАЛЛАЕВ, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ШАВКАТ МИРЗАЕВ қатнашадилар.

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МУХСИН ҲАМИДОВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт залида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
1-2 мартда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Концертда Ўзбек ашула ва рақс ансамбли — «ШОДЛИК»; Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Комилжон ОТАНИЁЗОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари Қундуз МИРКАРИМОВА, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Вилоят ОҚИЛОВА; солистлар Сора ШУКУРОВА, Гулшод ОТАБОЕВА, Тўхта РИСМЕТОВА, Қизлархон ДУСМУҲАМЕДОВА ва бошқалар қатнашади.

«Шодлик» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, Ўзбекистон ССР халқ артисти Исахор ОҚИЛОВ; музика раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Программани Ғуломтожи АЪЛОЕВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 да, район кассаларида 12 дан сотилади.

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИГА

4,5 разрядли электр монтёрлари, иссиқлик тармоқларини қурувчи-слесарлар, машинистлар; насос станциялари, ПТВМ ва ДКВР қозонлари; 5,6 разрядли газ-электр пайвандчилар, 4,5 разрядли бетончигишт терувчилар, слесарлар: иссиқлик тармоқларини тузатиш бўйича, автомашина ва двигателларни тузатиш бўйича, қозонларни тузатиш бўйича (4,5 разрядли) навбатчи электриклар ва слесарлар (4,5 разрядли), райой тармоғига бош инженер лаборатория инженер-теплотехник, техник-теплотехник, сменалар инженер-теплотехниклари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси, 172-уй (2, 11, 12 троллейбусларнинг, 32, 48 автобусларнинг, 4, 9, 11, 15 трамвайларнинг «Қатортол» бекати).

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

катта бухгалтерлар, бухгалтерлар, секретарь-стенографчилар, машинистналар, ўқув корпусларининг комендантлари, вахтёрлар, пол ювучилар, фаррошлар, дурадгорлар, библиографлар, кутубхоначилар;

ЛОЙИҲА БЮРОСИГА

архитекторлар, инженерлар, техниклар, граждан қурилишини лойиҳалаш бўйича ҳамма мутахассис лойиҳачилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй.

ЕШ ТЕХНИКА ҲАВАСКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Юный техник» — серҳафсала, билимга қизиқадиган, ихтиролар яратиш, устачилик қилишни севувчи болалар журнали.

Агар сиз ўз қўлингиз билан катталиги совун қутичасидек янги конструкцияли «ЮТ» чўйтак приёмникини ясамоқчи ва мактаб космодромида учириш учун ракета ишламоқчи бўлсангиз;

қандай қилиб ихтирочи бўлиш, ойга биринчи учган космонавтлар нималар кўриши, газ ярим ўтказгич нималигини билишни истасангиз

«ЮНЫЙ ТЕХНИК» ЖУРНАЛИНИ ЎҚИНГ

Обуна баҳоси апрель ойидан йил охиригача 1 сўм 80 тийин.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радио эшиттириш ва телевидение Давлат Комитетининг коллективи редактор Ш. Сиддиқхўжаевга онаси Умрибиби ТУХТАХОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — В36543. Редактор ўринбосарлари — В37314, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Илюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: Андижон — 48—85. Бухоро 31—41. Қарши 22—82. Наманган 21—88. Нукус 42—72. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55.

№ Б — 49. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02707.

Редактор М. ҚОРИЕВ.